

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАХКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДУЛЛАЕВ УСМОНАЛИ ЖУРАЕВИЧ

**СУСПЕНЗИЯНИНГ СУЗИЛИШИ ВА СИЗИШНИНГ
ГИДРОДИНАМИК МОДЕЛЛАРИНИ ТУЗИШ ВА СОНЛИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ**

01.02.05 – Суюклик ва газ механикаси

**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика - математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Physico-mathematical Sciences**

Сайдуллаев Усмонали Жураевич

Суспензиянинг сузилиши ва сизишининг гидродинамик моделларини тузиш
ва сонли таҳлил этиш..... 3

Сайдуллаев Усмонали Жураевич

Составление и численный анализ гидродинамических моделей фильтрации и
фильтрования суспензий 23

Saydullayev Usmonali Zhureyevich

Derivation and numerical analyses of suspensions filtering and filtration
hydrodynamic models..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАХКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДУЛЛАЕВ УСМОНАЛИ ЖУРАЕВИЧ

**СУСПЕНЗИЯНИНГ СУЗИЛИШИ ВА СИЗИШНИНГ
ГИДРОДИНАМИК МОДЕЛЛАРИНИ ТУЗИШ ВА СОНЛИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА – МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.3.PhD/FM125 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат университетидида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва "Ziyouet" ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хўжаёров Бахтиёр Хўжаёрович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Худайкулов Совет Ишанкулович физика-математика фанлари доктори Далабоев Умрид.н физика-математика фанлари номзоди, доцент
Ётақчи ташкилот:	Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновация маркази

Диссертация ҳимояси Механика ва яншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги
DSc.28.02.2018. T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "15" " май "
соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниязий кўчаси, 39,
4-мажлислар зали. Тел: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).


Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (08 ракам билан
рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниязий кўчаси, 39. Тел: (99871) 237-46-
68; факс: (99871) 237-38-79.

Диссертация автореферати 2019 йил «26» апрель кунни тарқатилди.
(2019 йил «25» апрель даги _____ рақамли респстр баённомаси)






М.М. Мирсаидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор, академик



Ш.О. Худайназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.н., доцент


И.К. Хўжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нефть-газ саноати давлатлар иқтисодиётининг ривожланишига катта таъсир қилади ва ўз навбатида нефть-газ саноатининг ривожланишида ер ости қатламларидаги нефть ва газ захираси тузилиши, қатламлар орасидаги нефть ва газ конденсатлар ҳаракатини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, жумладан Малайзия, Индонезия, БАА, Кувайт ва бошқа иқтисодиётининг асосий бўғини нефть-газ саноати бўлган давлатларда нефть, газ ва газ конденсатларни қазиб олиш жараёларини лойихалаштириш, жумладан сув ҳайдаш билан боғлиқ усулнинг кўпроқ ишлатилаётганлиги сабабли ер ости қатлам ва қатлам ораларида нефть, газ ва газ конденсатлар сизиши ва сузилиши жараёнларга таъсир этувчи барча асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда сизиш назариясини ривожлантириш, ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда нефть-газ конларида суюқликдаги каттик заррачаларнинг қудук туби зоналарида чўкма ҳосил қилишини инобатга олган ҳолда биржинсли бўлмаган суюқликлар сузилиши жараёни механизмларини баҳоловчи самарали усуллари, хусусан ташқи босим таъсир остида ёки суюқлик тезлиги ўзгармаслигида чўкма ҳосил бўладиган филтрлаш усуллар қўлланилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан суспензиядаги каттик заррачаларнинг ғовак муҳитлар сиртида ўтириб қолиш жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш, заррачаларнинг ғовак муҳит сиртида чўкма ҳосил қилиши билан ўзаро таъсирлашув ҳолатини баҳоланишнинг самарали усулларини ҳамда ҳисоблаш алгоритми ва дастурларини ишлаб чиқиш каби йўналишлардаги мақсадли илмий изланишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга ғовак муҳитларда релаксацион кейк-қатлам ҳосил бўладиган суспензия сузилиш ва сизиш жараёнини ифодаловчи математик моделлар йўқлиги инобатга олиб янги математик моделлар, ҳисоблаш усуллари, алгоритми ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамызнинг нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, табиий газни қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналарида нефть ва газ конларини ўзлаштириш, нефть ва газ қудуқларда кунлик олинаётган нефть ва газ миқдори ҳамда конларни ишлатиш самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий технологияларни тадқиқ этиш туфайли муҳим натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган ... саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш; ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган

технологияларни кенг жорий этиш,...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда нефть ва газ конларига сув ҳайдаш, нефть ва газ конларида қувурларида чўкма ҳосил бўлиши, суспензияларни филтрлаш жараёнларини моделлаштириш ва ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш имкониятини берувчи дастурий мажмуалар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть ва газ саноатини бошқариш тизимини мукаммаллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика и информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда суспензияларнинг ғовак мухитларда сузилишида каттик заррачаларнинг ўтириб қолишидан ҳосил бўладиган чўкманни ҳисобга олган ҳолатини баҳоллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, И.М. Федоткин, Е.И. Воробьев, Н.А.Слезкин, Ф.И.Франкль, Х.А.Рахматулин, Р.И.Нигматулин, С.И.Криль, В.И.Вьюн, В.А.Жужиков, Н.Р.Grace, К.Аtsumi, Т. А.Аkiyama, R.G.Wakeman, P.Bedrikovetsky, B.V.Ramaraо, D.E.Smilesларнинг ишларида. Кейк-қатлам ҳосил бўладиган суспензияларни филтрлаш ҳолати С. Тien, R.Bai, M.A.Khan, R.Burger, F. Concha ва К.Н.Karlseпларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Ҳисоблашлар асосан бир нечта соддалаштирувчи гипотезалар асосида қурилган филтрлаш назарияси асосида бажарилган.

Маҳаллий олимлардан Ф.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев, Н.М.Муҳидинов, Р.Садуллаев, И.Алимов, Ж.Акилов, Н.Равшанов, И.К.Хужаев, Ш.Қаюмов, Б.Х.Хўжаёров, В.Ф.Бурнашевлар суюкликларнинг ғовак мухитларда сизиши билан боғлиқ бўлган масалалар ва уларнинг ечимлари устида изланишлар олиб борганлар. Филтрларда суспензияларнинг сузилиши муаммолари билан Н.Равшанов, И.К.Хужаев ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Бугунги кунда суспензияларнинг ғовак мухитларда сузилишида каттик заррачаларнинг ўтириб қолишидан ҳосил бўладиган чўкмада консолидациянинг чизиксиз, экспоненциал хоссаларини ҳисобга олган жараёнларда ва чўкма қатлам орқали филтрлашнинг аномал хоссалари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

жумладан, релаксацион филтрлаш масалаларини счиш усули ва алгоритмларни ишлаб чиқишдаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №Ф4-Ф078 “Биржинслимас суюқликларнинг ғовак муҳитларда сузилиши ва сизишининг гидродинамик масалалари. Суспензияларнинг ноньютон хоссаларини, чўкманинг эластик-пластик хоссаларини, филтрларнинг кўп қатламлилигини ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда сизиш ва филтрлаш моделларни тузиш” (2012-2016) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ноньютон хоссали суспензияларнинг чўкма консолидациясини ҳисобга олган ҳолда сизишининг ва сузилишининг гидродинамик моделларини такомиллаштириш ва сонли ечиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

консолидациянинг чизиксиз, экспоненциал қонунлари асосида филтр сиртида чўкма ҳосил бўлиши билан биржинслимас суюқликларни филтрлашнинг математик моделларини такомиллаштириш;

кейк-қатлам ҳосил бўладиган суспензияларнинг ғовак муҳитларда сузилишида модда кўчишини ҳисобга олган ҳолда математик модели такомиллаштириш;

филтр сиртида кейк-қатлам ҳосил бўладиган филтрлашнинг релаксацион математик моделини ишлаб чиқиш;

филтр сиртида кейк-қатлам ҳосил бўладиган филтрлашнинг релаксацион моделлари асосида масалаларни ечиш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бир жинслимас суюқликлар ва уларни филтрловчи ғовак муҳитлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини ғовак муҳитларда суспензиялар сизиши ва сузилиши жараёнларининг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари, дастурий воситалари ва гидродинамик жараёнларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суспензияларнинг филтрацияси ва филтрланиши назарияси, математик анализ, математик физика усуллари, сонли усуллар, математик моделлаштириш, алгоритмлаш назариялари усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кейк-қатлам ҳосил бўладиган суспензияларнинг сузилишида консолидациянинг чизиксиз ва экспоненциал қонунлари асосида математик модели такомиллаштирилган;

кейк-қатлам ҳосил бўладиган суспензияларнинг ғовак муҳитларда сузилишида модда кўчишини ҳисобга олган ҳолда математик модели такомиллаштирилган;

Дарсининг умумлашган релаксация қонуни асосида филтър сиртида чўкма ҳосил бўладиган суспензияларнинг сузилиш математик модели ишлаб чиқилган;

суспензияларнинг сузилишининг релаксацион таъсирини ҳисобга олиб филтрат сарфи ўзгармаслик шартида дифференциал тенгламалар системаси келтириб чиқарилган, ҳамда релаксация вақтининг турли қийматларида сонли ечилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қўзғалувчан чегаравий шартли дифференциал тенгламалар асосида берк ингичка толали филтърларда суспензиялар сизиши жараёнларининг математик модели Стефан шартини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган ҳамда уларнинг ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

суспензия билан чўкма қатлами чегарасида номаълум қўзғалувчан фронтни тутиб олишни ҳисобга олган ҳолда консолидациянинг чизиқсиз ва экспоненциал характеристикалари баҳолаш, “чўкма-филтър” чегараси яқинида чўкма консолидацияси қийматини характерловчи релаксация вақтининг турли қийматларида чўкма қатламида қаттиқ зарралар концентрациялари аниқлаш учун дастурий восита ишлаб чиқилган;

релаксация вақтининг ошиши билан чўкма қалинлигини баҳолашда ҳамда филтрат сарфи қиймати ҳисоблашда кейк-қатлам ҳосил бўладиган релаксацион филтрлашнинг ҳисоби методи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги суспензиядаги муаллақ заррачаларнинг ғовак мухитлар ичида ёки ғовак мухитлар сиртида ўтириб қолишдан боғлиқ сизиш ва сузилиш назарияси, математик анализ, математик физика курсидаги қўзғалувчан чегарали дифференциал тенгламалар системаси усулларини қўллаш ва математик амалларнинг қатъийлиги орқали масалаларнинг тўғри қўйилиши ҳамда релаксацион филтрлаш назариясининг ҳисоблаш усуллари ва аниқ ҳисоб усуллари бўйича олинган натижаларни ўзаро солиштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғовак мухитларда биржинсли бўлмаган суюқликлар сизиши ва сузилиши назариясини консолидациянинг чизиқсиз, экспоненциал қонуларини ва релаксация таъсирини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда уларга нисбатан номаълум қўзғалувчан чегарага эга дифференциал тенгламаларини ишлаб чиқиш филтрация назариясини ва туташ мухитлар механикаси фанини ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефть ва газни қазиб олишнинг кейк-қатлам ҳосил бўладиган филтрлашнинг релаксацион модели, шунингдек суспензияларнинг сизиши ва сузилиши назариясининг ҳисоблаш усуллари, алгоритмлари, дастурлари, консолидациянинг чизиқсиз ва экспоненциал қонуларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашда

параметрларнинг оптимал қийматларини аниқлаш ва баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Кейк-қатлам ҳосил бўладиган суспензияларнинг сузилиш ва сизиш жараёнларининг такомиллаштирилган моделларини сонли тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалари асосида:

кейк-қатлам ҳосил бўладиган суспензияларнинг сузилиш моделининг сонли ечиш алгоритми ва дастурий воситаси “Ўзнеф்த்தазқазибчиқариш” АЖ тасарруфидаги “Муборакнеф்த்தаз” МЧЖга қарашли Қашқадарё вилояти Муборак тумани Шимолий Ўртабўлоқ конидаги №3, Шарқий Кемачи конидаги №118, Шуртепа конидаги №102 ва Сарикўм конидаги №22 қудуқларда кислота билан таъсир этиш геологик-техник тадбирлар режасини оптималлаштириш ва қатламга кислота билан ишлов беришни аниқ башорат қилишни таъминлайдиган ҳисоб ишларига жорий этилган (“Ўзнеф்த்தазқазибчиқариш” АЖнинг 2018 йил 27 сентябрдаги 04/17-434ж-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида қудуқларда кунлик олинаётган нефть ва газ миқдори ҳамда конларни ишлатиш самарадорлигини ошириш жараёнига қўлланилиши орқали ҳисоблаш ишлари аниқлигини 5%га ошириш ва қудуқларда кислота билан таъсир этиш геологик-техник тадбирлар режасини тузишга кетадиган вақт 30%га қисқартиш имконини берган;

кейк-қатлам ҳосил бўладиган суспензияларнинг ғовак муҳитларда сузилишида модда кўчишини ҳисобга олган ҳолда математик модели сонли ечиш усули ва дастурий воситаси “Ўзнеф்த்தазқазибчиқариш” АЖ тасарруфидаги “Муборакнеф்த்தаз” МЧЖнинг №3, №118, №102 ва №22 қудуқларда хлор-кислотали ишлов бериш геологик - техник режасини тузиш ишларига жорий этилган (“Ўзнеф்த்தазқазибчиқариш” АЖнинг 2018 йил 27 сентябрдаги 04/17-434ж-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси қудуқлар дебити 3-4%га ошириш имконини берган;

Дарсининг умумлашган релаксация қонуни асосида фильтр сиртида чўкма ҳосил бўладиган суспензияларнинг сузилиш ва сизиш математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари Иркутск техник тадқиқот миллий университети “Мега-сети” халқаро лабораторияси илмий техника дастури доирасида № ВР.20.2016-5 «Междисциплинарные подходы повышения продуктивности нефтегазовых скважин» грант лойиҳасида турли геологик ва техник шароитларда нефть-газ қазиб олиш ва сув ҳайдаш қудуқларида кум ва кум-суюқлик тикинлари ҳосил қиладиган биржинслимас ғовак муҳитларда биржинслимас суюқликларнинг мураккаб динамик сузилиш жараёнлари модели ва тармоқ онтологияларини қуришда фойдаланилган (Россия, Иркутск техник тадқиқот миллий университети, 2018 йил 10 сентябрдаги И-3667/18-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши мазкур грант иш режасининг бир қисми сифатида нефть-газ қазиб олиш ва сув қудуқларида кум тикинларини олиб ташлаш учун самарали технологияларни яратиш имконини берган;

суспензиянинг сузилиши ва сизишининг гидродинамик моделларини тузиш ва сонли таҳлил этиш бўйича олинган натижалари Самарқанд давлат университети Давлат илмий техника дастури доирасида № Ф2-15 «Оғир элемент атомларининг ионланиш чегараси атрофидаги лазер-ионизацион спектроскопиеси» (2012-2015 йй.) фундаментал грант лойиҳасида даврий системадаги оғир элемент атомлар (Pt, Au, Hg, Tl, Pb) нинг юқори ўйғонган ҳолатларидаги квант ўтишларнинг эҳтимолиятларини ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 августдаги 89-03-2800-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши квант ўтишлар ва уларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи спектроскорик параметрларни ҳисобга оладиган масалаларни сонли ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) чоп этилган ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситани қайд қилиш гувоҳномаси (№ DGU 05382) олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Суспензияни филтрлаш жараёнларининг математик ифодаси» деб номланувчи биринчи бобда говак муҳитларда биржинсли бўлмаган суюқликларнинг сузилиши жараёнларини моделлаштириш муаммоларининг таҳлили ўтказилган. Говак муҳитларда биржинсли бўлмаган суюқликларнинг сузилиши масалаларини сонли ечиш усуллари таҳлил қилинган.

1.1 параграфда филтрлаш жараёнининг физик асослари, суспензиянинг суюқ ва қаттиқ фазалари характеристикалари келтирилган.

1.2 параграфда суспензиянинг сизиши ва фильтрланишининг математик моделлари қаралган. Бунда чўкма ҳосил бўладиган фильтрлаш, классик тўлик тикин ҳосил бўладиган сизиш моделлари келтирилган. Кўп тезликли континуумлар тенгламаси, хусусан икки фазали оқим ҳаракат тенгламаси қаралган.

1.3 параграфда сузилиш жараёни учун бир ўлчамли ясси ва ўққа нисбатан симметрик бўлган Стефан типдаги масалалар қаралган.

1.4 параграфда муҳит ичида чўкма ҳосил бўладиган сизиш жараёнлари, хусусий ҳолда икки хил заррали суспензиянинг сизиши кўрсатилган.

1.5 параграфда берк ингичка толали фильтрларнинг ташқи сиртида чўкма массасининг ортиш тезлигининг математик модели келтирилган. Зарраларнинг ўтириб қолиш тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзамиз

$$\frac{\partial \Gamma}{\partial t} = (\beta + k_3 V_p) c - \alpha \Gamma, \quad (1)$$

бунда Γ - мембранинг ташқи 1 м^2 сиртидаги чўкманинг солиштирма массаси; c - қаттиқ зарралар концентрацияси; α , β - ўзгармаслар бўлиб, мос равишда пептизация ва адсорбция коэффициентлари деб аталади; k_3 - ўзгармас, t - вақт; z - координата; $V_p = p / (\mu(R_m + r_c \Gamma))$ - фильтрланган пермеат тезлиги; p - трансмембрана босим; μ - суюқликнинг динамик ковушқоқлиги; $R_m = p / (\mu V_0)$ - мембрананинг соф қаршилиги; r_c - чўкманинг солиштирма гидравлик қаршилиги; V_0 - пермеатнинг бошланғич тезлиги.

(1) даги $k_3 V_p c$ ташкил этувчини биз қўшдик, у мембрана ўтказувчанлигидан боғлиқ зарраларнинг ўтириб қолиш тезлигининг ортишини билдиради.

Диффузия эффектларини ҳисобга олмагандаги масса сакланишининг дифференциал шакли қуйидаги кўринишда ёзилади

$$\frac{\partial c}{\partial t} + \frac{\partial (cw)}{\partial z} = -s \frac{\partial \Gamma}{\partial t}, \quad (2)$$

бунда w - суюқлик тезлиги.

Узлуксизлик тенгламасининг интеграл шаклини қуйидагича ёзамиз:

$$w = \int_z^d s V_p dz. \quad (3)$$

Агар жараённинг бошланишида фильтр тоза бўлса, фильтрга киришда суспензия концентрацияси ўзгармас ҳолда берилади. Бошланғич ва чегаравий шартлар қуйидагича

$$t = 0, z > 0 \text{ бўлганда } c = 0, \Gamma = 0, \quad (4)$$

$$z = 0, t > 0 \text{ бўлганда } c = c_0. \quad (5)$$

Сонли ҳисоблашлар асосида фильтр чуқурлиги бўйича чўкманинг солиштирма массаси ва қаттиқ зарралар концентрациясининг тарқалиши аниқланган. Вақт ўтиши давомида қаттиқ зарралар концентрацияси c ва

чўкманинг солиштирма массаси Γ нинг қийматлари ортиб боради. k_2 коэффицентнинг турли қийматларида каттик зарралар концентрацияси ва чўкманинг солиштирма массаси ҳисобланган. Бу ҳисоблашлардан кўриш мумкинки, k_3 нинг қиймати ортиши билан каттик зарралар концентрацияси камайиб боради ва чўкманинг солиштирма массаси ортиб борар экан.

Диссертациянинг «Ночизикли сиқиладиган чўкма қатлами ҳосил бўладиган суспензияларни филтрлашнинг гидродинамик назарияси» деб номланувчи иккинчи боб бошланишида кейк қатлам ҳосил бўладиган филтрлаш тенгламалари келтирилган. Кейин конвектив ҳадни эътиборга олгандаги ва эътиборга олмагандаги кейк қатлам консолидациясини ҳисобга олгандаги филтрлаш масаласи ечилган. Алоҳида параграфда пульсацион тебранма босим режими қаралган. Кейк қатлам ҳосил бўладиган филтрлашнинг ўққа симметрик масаласи тадқиқ қилинган.

2.1 параграфда кейк-филтрлаш тенгламаси келтирилган. Кейк қатлам ҳосил бўладиган суспензияларни филтрлашда ҳаракатланаётган муҳитни суспензия фазалари, яъни суюқлик ва суюқликдаги муаллақ каттик зарралар ташкил этади. Бинобарин, суспензия икки фазали суюқлик деб қаралади. Филтрлаш тенгламаларини келтириб чиқаришда бу фазалар континуумлар деб қаралган, яъни суспензия икки фазали ўзаро аралашган муҳитни ташкил этади. Филтрлаш соҳасининг ҳар бир нуқтасига иккита сизиш ва гидродинамик характеристикалари: сизиш тезлиги, ғоваклик, босим ва бошқалар киритилган. Кейк қатлам ҳосил бўладиган филтрлашнинг асосий тенгламаси келтирилган. У мос равишда қўшимча тенгламадан аниқланиши керак бўлган, хусусан, $x = L(t)$ кўзгалувчан чегарада берилган бошланғич ва чегаравий шартларда ечилади.

2.2 параграфда ночизикли сиқиладиган чўкма қатлами ҳосил бўладиган суспензияларни филтрлашнинг математик модели келтирилган.

Филтрлашнинг математик модели куйидаги кўринишда ёзалади:


$$\frac{\partial p}{\partial t} = b(p) \frac{\partial^2 p}{\partial z^2}, \quad 0 < t \leq T, \quad z \in \Omega_2, \quad (6)$$

$$p(z, 0) = p_0(z), \quad z \in \Omega_1, \quad p(0, t) = p_2, \quad p[L(t), t] = p_1, \quad 0 < t \leq T, \quad (7)$$

$$\frac{\partial p}{\partial z} = \frac{\nu \mu}{u} \frac{dL}{dt}, \quad 0 < t \leq T, \quad (8)$$

бунда p - ғовакликдаги босим; p_0, p_1, p_2 - мос равишда суюқликнинг бошланғич моментдаги, чўкма қатламга киришдаги, филтрланган қатламдан чиқиш босимлари; $L(0) = z_0$; $b(p) = b_0 e^{\lambda(p-p_1)}$ - консолидация коэффиценти; $p_0 = p_2 + \frac{z(p_1 - p_2)}{z_0}$, $0 \leq z \leq z_0$; ν - чўкманинг солиштирма қаршилиги; μ - қовушқоқлик коэффиценти; u - чўкма қатламининг ташқи коэффиценти; b_0, λ - берилган параметрлар; $\Omega_1(0, z_0)$ - филтрлайдиган

катлам соҳаси; $\Omega_2(z_0, L(t))$ - чўкма соҳаси; $z = L(t)$ - қўзгалувчан чегара (1-расм).



1-расм. Кейк қатлам ҳосил бўладиган фўлтрлаш схемаси.

(6) - (8) масалалар сонли ечилган. Олинган натижалардан кўринадики, λ нинг қиймати ортиши билан мос равишда консолидация коэффицентининг ўзгаришига эришилади, ўз навбатида у чўкма қатлами ортиши ва унда босимнинг тарқалишига таъсир қилади. λ нинг қиймати ортиши билан $L(t)$ нинг динамик ортиши кечикишини кузатиш мумкин. Чўкма қатламининг ортиши билан фиксирланган нуктада босим камайиб боради.

2.3 параграфда зарраларнинг конвектив кўчишларини ҳисобга олгандаги суспензияларни фўлтрлаш масаласи қаралган.

Конвектив фўлтрлашнинг босимга нисбатан математик модели куйидагича келтирилган:

$$\frac{\partial p}{\partial t} = b(p) \frac{\partial^2 p}{\partial z^2} + q_{\text{чик}} \frac{\partial p}{\partial z}, \quad (9)$$

$$p[L(t), t] = p_1, \quad t > 0, \quad p(0, t) = p_2, \quad p(z, 0) = p_0, \quad (10)$$

$$\left(\frac{1}{\mu v} \frac{\partial p}{\partial z} \right)_{z=h(t)} = \frac{1}{u_0} \frac{dL}{dt}, \quad (11)$$

бунда $b(p) = b_0 + \lambda(p_1 - p)$ - консолидация коэффиценти. «Чўкма - фўлтр тўсини» чегарасидаги суюқлик сарфи $q = q_{\text{чик}} = - \left(\frac{1}{\mu v} \frac{\partial p}{\partial z} \right)_{z=0}$ кўринишда берилган.

Вақт ўтиши билан чўкма қатламида босимнинг тарқалиши ночизикли характерга эга эканлиги аниқланган. «чўкма-фўлтрловчи элемент» чегарасидаги нисбий суюқлик сарфи интенсив камайиб борар экан. λ

коэффициенти қийматининг ортиши консолидация коэффициентининг ортишига олиб келар экан. Бундан чўкма қатламида босим тарқалиши λ нинг кичик қийматларига нисбатан ошиб боришини кўриш мумкин. Буни агар консолидация коэффициентини пьезоўтказувчанлик коэффициентидек тушунсак, ғовак муҳитларда суюқлик сизишини эластиклик режим нуқтаи назари орқали тушунтириш мумкин бўлади. Чўкманинг қалинлиги ноқизиқли қонуният билан ортиб боради.

2.4 параграфда пульсацион тебранишли босим таъсирида зарраларнинг конвектив кўчишини ҳисобга олгандаги суспензияларни филтрлаш масаласи тадқиқ қилинган.

Босимга нисбатан конвектив филтрлашнинг математик моделини куйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\frac{\partial p}{\partial t} = \frac{\partial p_1}{\partial t} + b(p) \frac{\partial^2 p}{\partial z^2} + q_{\text{чек}} \frac{\partial p}{\partial z}, \quad (12)$$

$$p(z, 0) = p_0, \quad (13)$$

$$p(0, t) = p_2, \quad (14)$$

$$p[L(t), t] = p_1(t), \quad t > 0. \quad (15)$$

Бир вақтда чўкма қатламининг ўсишини ҳисоблаш учун чўкма-суспензия чегарасининг кўчиши тенгламасидан фойдаланамиз

$$\left(\frac{1}{\mu v} \frac{\partial p}{\partial z} \right)_{z=h(t)} = \frac{1}{u_0} \frac{dL}{dt}, \quad (16)$$

бунда $L(0) = z_0$.

Босимга нисбатан конвектив филтрлашнинг математик моделини куйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\frac{\partial p}{\partial t} = \frac{\partial p_1}{\partial t} + b(p) \frac{\partial^2 p}{\partial z^2} + q_{\text{чек}} \frac{\partial p}{\partial z}, \quad (12)$$

$$p(z, 0) = p_0, \quad (13)$$

$$p(0, t) = p_2, \quad (14)$$

$$p[L(t), t] = p_1(t), \quad t > 0. \quad (15)$$

Бир вақтда чўкма қатламининг ўсишини ҳисоблаш учун чўкма-суспензия чегарасининг кўчиши тенгламасидан фойдаланамиз

$$\left(\frac{1}{\mu v} \frac{\partial p}{\partial z} \right)_{z=h(t)} = \frac{1}{u_0} \frac{dL}{dt}, \quad (16)$$

бунда $L(0) = z_0$.

Чўкма қатламидан чиқишдаги ва киришдаги босимларни мос равишда $p_0 = 0$ ва $p_1(t) = p_1^0(1 + \psi \cos \chi t)$ деб қабул қиламиз; p_1^0, ψ, χ - ўзгармаслар; $b(p) = b_0 + \lambda(p - p_1(t))$ - ташки майдон босими таъсирида чўкманинг сиқилиш реакциясини характерловчи консолидация коэффициенти.

Олинган натижалардан кўриш мумкинки, вақт ўтиши давомида босим даврий камайиб ва унинг тарқалиши рўй беради. Ўз навбатида эса тарқалиш

нестационар эффект ҳисобидан ночизиқли характерга эга бўлади. «Чўкма-фильтрловчи элемент» чегарасида суюқликнинг нисбий сарфи интенсив даврий камаяди. Чўкма қатлами ночизиқли қонун бўйича ўсади. Фильтрлаш характеристикалари босим тебранишининг частотаси ва амплитудасидан боғлиқлигини қайд қилиш лозим. Белгиланган алгоритмлардан фойдаланиб, босимнинг тебраниш частотаси ва амплитудаси ўзгаришининг кенг диапозони учун фильтрлашнинг турли режимларини баҳолаш мумкин.

2.5 параграфда кейк қатлам ҳосил бўладиган суспензияларни фильтрлашнинг ўққа нисбатан симметрик масаласи кўрилган. Фильтрлаш тенгламаси келтирилиб чиқарилган. Цилиндрик координаталарда суюқ ва қаттиқ фазалар учун узлуксизлик тенгламаси қуйидаги кўринишда олинади:

$$\frac{\partial \varepsilon}{\partial t} + \frac{1}{2\pi r} \frac{\partial q_t}{\partial r} = 0, \quad (17)$$

$$\frac{\partial \varepsilon_s}{\partial t} + \frac{1}{2\pi r} \frac{\partial q_s}{\partial r} = 0, \quad (18)$$

бунда q_t ва q_s - мос равишда суюқ ва қаттиқ фазалар учун фильтрация тезлиги; ε ва ε_s - суюқ ва қаттиқ фазаларнинг нисбий таркиби; t - вақт; r - радиаль координата.

Ўққа нисбатан симметрик фильтрлашда Дарси қонунини қуйидаги кўринишда оламиз

$$q_t - \frac{\varepsilon}{\varepsilon_s} q_s = -2\pi r \frac{k}{\mu} \frac{\partial p_t}{\partial r}, \quad (19)$$

бунда p_t - суюқ фазанинг босими, k - ўтказувчанлик, μ - қовушқоқлик.

(9) тенгламани r бўйича дифференциаллаб, (7), (8) лардан фойдаланиб

ва $\varepsilon_s = \varepsilon_s^0 \left(1 + \frac{p_s}{p_A}\right)^\beta$, $k = k^0 \left(1 + \frac{p_s}{p_A}\right)^{-\delta}$ (ε_s^0 , k^0 - мос равишда $p_s = 0$ бўлгандаги

ε_s , k ларнинг қийматлари, p_A - характерловчи босим; β , δ - ўзгармас катталиқлар) ҳисобга олсак, цилиндрик координаталарда кейк қатлам ҳосил бўладиган фильтрлашнинг асосий тенгламасига келамиз

$$\frac{\partial \varepsilon_s}{\partial t} = -\frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left(\varepsilon_s^0 r \frac{k^0}{\mu} \left(\frac{\varepsilon_s}{\varepsilon_s^0} \right)^{-\delta/\beta} f' \frac{\partial p_s}{\partial r} \right) - \frac{q_{\text{чик}}}{2\pi} \cdot \frac{1}{r} \frac{\partial \varepsilon_s}{\partial r}, \quad (20)$$

бунда $q_{\text{чик}} = - \left[2\pi r \frac{k^0}{\mu} \left(1 + \frac{p_s}{p_A}\right)^{-\delta} \frac{\partial p_t}{\partial r} \right]_{r=R}$ - фильтрдан чиқишдаги фильтрат сарфи.

Цилиндрик кейк-қатлам қалинлигини ифодаловчи қўзғалувчан радиус $R_L(t)$ нинг тенгламасини келтирамиз, яъни суспензия ва кейк-қатлам орасидаги чегара радиуси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\frac{dR_L}{dt} = \frac{\varepsilon_s^0}{\varepsilon_s^0 - \varepsilon_{s_0}} \left[\frac{k^0}{\mu} \left(1 + \frac{p_s}{p_A} \right)^{-5} \frac{\partial p_t}{\partial r} \right]_{r=R_L} + \frac{1}{2\pi R_L} q_{\text{чик}}. \quad (21)$$

$r = R_L$ сиртда сиклидагиларнинг кучланиши нолга тенг, шунинг учун $\varepsilon_s|_{R_L}$ ни ε_s^0 - нолинчи кучланишдаги қаттиқ зарралар ташкил этувчисига тенг деб қабул қилиш мумкин. Иккинчи томондан $\varepsilon_s|_{R_L}$ суспензиядаги қаттиқ зарралар концентрацияси ε_{s_0} га тенг.

Агар жараён олдиндан суюклик бўлмагандаги янги филтрдан бошланса, у ҳолда бошланғич шартни қуйидагича қабул қилиш мумкин

$$R_L(0) = R. \quad (22)$$

Агар филтрлаш жараёни тасодифий қўшимча босим ёки берилган оқим тезлиги билан бошланса, p_t ва p_s нинг бошланғич шартларини нолга тенг деб қабул қилиш мумкин, яъни

$$p_t(0, r) = 0, \quad p_s(0, r) = 0. \quad (23)$$

Ўққа нисбатан симметрик масала учун чегаравий шартлар:

$$r = R_L(t) \text{ бўлганда } p_t = p_0, \quad p_s = 0, \quad \varepsilon_s = \varepsilon_s^0, \quad (24a)$$

$$r = R \text{ бўлганда } -2\pi r \frac{k}{\mu} \frac{\partial p_t}{\partial r} = -\frac{p_t}{R_m \mu}. \quad (24b)$$

(20)-(24) масалалар чекли айирмалар усули билан ечилган. Компрессион босимнинг филтр сиртидан кейк-қатлам ва суспензия чегарасигача камайиб бориши аниқланган. Кейк-қатлам қалинлиги монотон ошиб боради.

Диссертациянинг «Кейк-қатлам ҳосил бўладиган филтрлашнинг релаксация тенгламаси» деб номланувчи учинчи бобида кейк қатлам ҳосил бўладиган суюкликларни филтрлашнинг релаксацион математик модели ишлаб чиқилган.

3.1 параграфда суюклик сизишида релаксация таъсирининг математик моделлари, сонли усуллари таҳлили бўйича эълон қилинган тадқиқот ишларнинг методологияси келтирилган. Одатда релаксацион сизишни ифодалаш сизиш тезлиги ва босим градиенти орасидаги муносабатнинг кечикиши ҳисобидан турли хил феноменологик моделлардан фойдаланилади. Алоҳида ҳолларга кечиши ва ҳолат тенгламалари ҳисобидан келинади. Турли тадқиқотчилар таклиф қилган бир нечта релаксацияли сизишнинг гипотетик моделлари қаралган.

3.2 параграфда кейк-қатлам консолидацияси релаксация тенгламаси келтирилган. Филтрлашнинг релаксация қонунини қуйидаги кўринишда оламир

$$\left(1 + \lambda_{qt} \frac{\partial}{\partial t} \right) \frac{q_t}{\varepsilon} - \left(1 + \lambda_{qs} \frac{\partial}{\partial t} \right) \frac{q_s}{\varepsilon_s} = -\frac{1}{\varepsilon \mu} k \left(1 + \lambda_{pt} \frac{\partial}{\partial t} \right) \frac{\partial p_t}{\partial x}, \quad (25)$$

бунда λ_{qt} , λ_{φ} - мос равишда q_t , q , сизиш тезликларининг релаксация вақти;
 λ_{pt} - босим градиентининг релаксация вақти.

Суюқ фазага нисбатан қаттиқ фазанинг сизиш тезлигининг релаксация эффектини эътиборга олмасамиз ҳам бўлади. У ҳолда (25) ни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$\left(1 + \lambda_{qt} \frac{\partial}{\partial t}\right) \frac{q_t - q_s}{\varepsilon} = -\frac{1}{\varepsilon \mu} k \left(1 + \lambda_{pt} \frac{\partial}{\partial t}\right) \frac{\partial p_t}{\partial x}. \quad (26)$$

Соддалик учун босим градиенти релаксацияси ҳолини қарайлик, яъни $\lambda_{qt} = 0$ бўлсин. У ҳолда (26) дан

$$\frac{q_t - q_s}{\varepsilon} = -\frac{1}{\varepsilon \mu} k \left(1 + \lambda_{pt} \frac{\partial}{\partial t}\right) \frac{\partial p_t}{\partial x} \quad (27)$$

тенгламани оламир.

Олинган филтрлаш тенгламаси (27) ни p_s компрессион босим учун ёзиб оламир

$$\frac{\partial p_s}{\partial t} = \frac{k^0 p_A}{\mu \beta} \left(1 + \frac{p_s}{p_A}\right)^{1-\beta} \frac{\partial}{\partial x} \left[\left(1 + \frac{p_s}{p_A}\right)^{\beta-5} \left(1 + \lambda_{pt} \frac{\partial}{\partial t}\right) \left(\frac{\partial p_s}{\partial x}\right) \right] - q_{tm} \frac{\partial p_s}{\partial x}, \quad (28)$$

бунда $k^0 - p_s = 0$ бўлгандаги ўтказувчанлик қиймати; q_{tm} - филтр орқали ўтган филтрат оқими:

$$q_{tm} = \frac{k}{\mu} \left(1 + \lambda_{pt} \frac{\partial}{\partial t}\right) \frac{\partial p_s}{\partial x} \Bigg|_{x=0}. \quad (29)$$

Кейк-қатлам ва суспензия орасидаги чегара $L(t)$ - кўзгалувчан фронт қуйидагича тенгламадан топилади:

$$\frac{dL}{dt} = -\frac{\varepsilon_s^0}{\varepsilon_s^0 - \varepsilon_{s0}} \left[\frac{k}{\mu} \left(1 + \lambda_{pt} \frac{\partial}{\partial t}\right) \frac{\partial p_s}{\partial x} \right]_{L^-} + q_{tm}. \quad (30)$$

(28), (30) ларни ечиш учун бошланғич ва чегаравий шартларни қуйидаги кўринишда оламир:

$$p_s(0, x) = 0, \quad -k \left(1 + \lambda_{pt} \frac{\partial}{\partial t}\right) \frac{\partial p_s}{\partial x} \Bigg|_{x=0} = \frac{p_0 - p_s}{R_m} \Bigg|_{x=0}, \quad p_s(t, L(t)) = 0. \quad (31)$$

(28)-(31) масалаларнинг сонли ечимлари асосида релаксация вақтининг оширишида бошқа бир хил шартларда чўкма қалинлигининг ортиши тезлашиши аниқланди (2-расм). Бошқача айтганда, релаксация эффектлари филтрация оқимининг босим градиентидан боғлиқлиги филтр сиртида суспензия зарраларининг ўтириб қолиши интенсификацияси чўкма туридан келиб чиқади.

Барча шартлар бир хил бўлган ҳолда релаксация вақтининг ортиши компрессион босим ортишининг секинлашишига олиб келади, яъни босим динамикасида кечикишни кузатиш мумкин. Жараён бошланишидан маълум бир вақт ўтишигача филтратнинг сарфланиши релаксация вақтининг ортишида катта қийматларга эга бўлиши кузатилади.

Юкорида таклиф этилган алгоритмлар асосида дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган ва ЎЗР Интеллектуал мулк агентлигида қайд этилган ЭВМ (№ DGU 05382).

3.3 параграфда сарф ўзгармас бўлганда релаксион филтрлаш масаласи кўрилган. Бу ерда берилган тезлик $q_t + q_s = v_0 = const$ режимидаги масала қаралган. Бу режимда (28), (30) ларни ечиш учун бошланғич ва чегаравий шартлар қуйидаги кўринишда:


$$p_s(0, x) = 0, \quad \left. \frac{k}{\mu} \left(1 + \lambda_{p_t} \frac{\partial}{\partial t} \right) \frac{\partial p_s}{\partial x} \right|_{x=0} = - \left. \frac{P_t}{\mu R_m} \right|_{x=0} = -v_0 = const < 0, \quad p_s(t, L(t)) = 0,$$

бунда R_m - филтрнинг келтирилган қаршилиги.


Бу ерда берилган босим режимидан фаркли равишда $p_t + p_s$ доимий бўлмасдан, $p_t + p_s = r(t)$ вақтдан боғлиқ функция бўлади ва у масалаларни ечиш жараёнида аниқланди.

Барча шартлар бир хил бўлган ҳолда релаксия вақтининг ортиши билан чўкма қатлам қалинлиги тезроқ ортишига олиб келади. $x = 0$ нуқтада $r(t) = p_t + p_s$ боғланиш ошувчи динамикага эга бўлади (3-расм). Бундан оқимнинг релаксион хусусиятлари $r(t)$ динамиканинг кечикишига олиб келади. Релаксия вақти қийматининг ортиши билан компрессион босим қиймати камаяди.




Бу камайиш вақтининг катта қийматларида унчалик сезилмаслиги босим релаксацияси таъсирининг камайишидан тушунтириш мумкин (4-расм). Вақт ўтиш давомида компрессион босим қиймати кейк-қатламнинг ҳамма нуқталарида ортади. Оқимнинг релаксион характери кейк-қатлам қалинлиги ошишини ва унинг филтрацион характеристикаларини сезиларли ўзгартиради.



2-расм. $\lambda_{fm} = 0$ (1); 150 (2); 350 (3) с бўлганда филтър сиртида чўкма қатламининг қалинлиги динамикаси.



3-расм. $\lambda_{pl} = 0$ (1); 150 (2); 350 (3) с бўлганда $x=0$ нуктада $r(t)$ нинг ўзгариши.



4-расм. $\lambda_{pe} = 0$ (1); 150 (2); 350 (3) с бўлганда чуқма қатламида компрессион босимнинг тарқалиши, $t = 450$ (а); 900 (б); 1800 (с) с.

ХУЛОСА

«Суспензиянинг сузилиши ва сизишининг гидродинамик моделларини тузиш ва сонли таҳлил этиш» мавзусидаги фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ингичка толали филтрлар орқали суспензияларни филтрлаш модели умумлаштириш асосида такомиллаштирилган. Масалани сонли ечиш асосида кўрсатилганки, k_3 коэффициентнинг ошиши филтр сиртида зарраларнинг ўтириб қолишининг интенсивлашувига олиб келади.
2. Филтрлашнинг биржинсли ночизикли тенгламаси учун доимий босимлар фарқи шароитида масала қаралган ва сонли ечилган. λ параметр қийматининг ошиши мос равишда консолидация коэффициенти ўзгаришининг юз бериши кўрсатилган. Бу эса ўз навбатида чўкма қатлам қалинлигининг ортишига ва унда босимнинг тақсимланишига олиб келади. λ параметр қийматининг ортиши билан $h(t)$ ошишининг кечикувчи динамикаси кузатилади. Чўкма қатлам қалинлигининг ошиши билан маълум бир нуқталарда босим камаяди.
3. Суспензияларни филтрлаш масаласи зарраларнинг конвектив кўчишини ҳисобга олган ҳолда қаралган ва сонли ечилган. Олинган натижалар асосида чўкма қатламда босим тақсимоти ва чўкма-тўсиқ чегарасида тезлик тақсимоти графиги тузилган. Суспензиянинг қаттиқ зарралари чўкма қатлам ичида филтрловчи тўсиқ йўналиши бўйича ҳаракатланади. Бунинг натижасида сиқилувчан чўкмалар мавжуд бўлганда филтрлашда конвектик ҳадни ҳисобга олиш лозим. Сонли натижалардан келиб чиқадикки, конвектив ҳадга суспензия концентрациясининг таъсири асосан сезиларли сиқилувчан чўкмаларда намоён бўлади.
4. Босимнинг пульсацияли ўзгаришида суспензияларни филтрлаш масаласи зарраларнинг конвектив кўчишини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинган. Кўрсатилганки, вақт ўтиши билан босим даврий равишда камаяди ва унинг қайта тақсимланиши рўй беради. Тақсимотнинг ўзи эса ностационал эффектлар ҳисобига ночизикли характерга эга бўлади. Сувоқликнинг нисбий сарфи “чўкма-филтрловчи элемент” чегарасида интенсив даврий камаяди. Чўкма қатламининг ошиши ночизикли қонуният билан рўй беради.
5. Дарсининг умумлашган релаксацион қонуни филтр сиртида чўкма ҳосил бўлиши билан суспензияларни филтрлаш тенгламасини келтириб чиқарган. Бу тенгламалар учун филтрлаш масаласи қўйилган ва улар сонли ечилган. Барча шартлар бир хил бўлган ҳолда релаксация вақтининг ортиши билан чўкма қатлам қалинлиги интенсивлиги аниқланган. Чўкма қатламидаги маълум бир нуқтада компрессия босим ортишида нисбатан секин динамикага эга бўлади. Сизиш сарф ҳам ортади. “Чўкма-филтр” чегараси яқинида чўкманинг сезиларли

консолидацияси юз беради. Чўкманинг (кейк-қатламнинг) нисбий ўтказувчанлик профиллари кўрсатишича, консолидация натижасида ўтказувчанлик сезиларли камаяди, бу камайиш вақт ўтиши билан орта боради.

6. Сарф ўзгармас бўлганда кейк-қатлам ҳосил бўлиши билан релаксацион филтрлаш масаласи ечилган. Умумий босим $p_i + p_s$ ошиб борувчи динамика эга эканлиги аниқланган, оқимнинг релаксацион хусусиятлари қаралаётган нуқтада умумий босим орттишининг секинлашиши аниқланган. Хусусий ҳолда компрессон босим p_s динамикаси кечикувчи характерга эга. p_i учун ҳам худди шунга ўхшаш ҳодиса рўй беради. Умуман олганда, оқимнинг релаксацион характери кейк-қатлам қалинлиги ошишини ва унинг филтрацион характеристикаларини сезиларли ўзгартиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МЕХАНИКИ И
СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ И ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САЙДУЛЛАЕВ УСМОНАЛИ ДЖУРАЕВИЧ

**СОСТАВЛЕНИЕ И ЧИСЛЕННЫЙ АНАЛИЗ
ГИДРОДИНАМИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ ФИЛЬТРАЦИИ И
ФИЛЬТРОВАНИЯ СУСПЕНЗИЙ**

01.02.05 - Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.Phd/FM125

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tiame.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Хужаёров Бахтиёр Хужаёрович
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: Худайкулов Совет Ишанкулович
доктор технических наук

Далабоев Умридан
кандидат физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: Научно-инновационный центр информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий

Защита диссертации состоится 15 май 2019 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.T/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений и Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кари Ниязий, 39, зал заседаний – 4. Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79. e-mail: admin@tiame.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер №66). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кари Ниязий, 39. Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79.

Автореферат диссертации разослан 26 апрель 2019 года.
(регр. Протокола рассылки № 1 от 25 апрель 2019 года.)






М.М. Мирsaidov
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор, академик



Ш. Худайназаров
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент



И.К. Хужаев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире нефтегазовая промышленность оказывает огромное влияние на развитие экономики стран. Наличие ресурсов нефти и газа позволяют добиваться значительных успехов в развитии. В развитии нефтяной промышленности важную роль имеет формирование запасов нефти в подземных пластах и изучение движения нефти в пластах. В этой связи, в таких странах как Малайзия, Индонезия, ОАЭ, Кувейт и другие, где основную часть экономики составляет нефтегазовая промышленность, особое внимание уделяется усовершенствованию методов проектирования с учетом факторов, влияющих на процесс фильтрации и фильтрования неоднородных жидкостей в пористых средах.

В мире в нефтегазовых месторождениях при фильтрации с учетом образования песчаных и песчано-жидкостных пробок в скважинах имеет особое значение разработка эффективных методов оценки механизма процессов фильтрования неоднородных жидкостей, учитывая, что частицы задерживаются на поверхности перегородки и образуют слой осадка в пористых средах при постоянном перепаде давления или постоянном расходе жидкости. Особое внимание уделяется созданию научных основ и разработке вычислительных алгоритмов и программ теории фильтрации и фильтрования суспензий, частицы которых задерживаются на поверхности фильтра и образуют слой осадка. В то же время необходимо разработать алгоритмы и методы расчета характеристик и оценки состояний фильтрования и фильтрации суспензий в пористых средах.

В нашей республике на предприятиях, занимающихся добычей нефти, газа и газового конденсата, переработкой природного газа, уделяется большое внимание применению новых технологий при освоении нефтяных месторождений, повышению добычи нефти и газа с применением современных технологий. В «Стратегии развития Республики Узбекистан» на 2017-2021 годы, в частности, отмечается «...дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов; ... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, ... »². Важно создать программные комплексы, которые позволят проводить очистку осадка на забое в водонагнетательных скважинах, моделировать процессы фильтрации суспензии и проводить вычислительный эксперимент.

² Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Узбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан», «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» ПК-916 от 15 июля 2008 года, «Об усовершенствовании системы управления нефте-газодобывающей промышленностью» № ПК-3107 от 30 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в рамках программы развития науки и технологий республики IV. «Математика, механика и информатика».

